

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА АСАЛАРИНИНГ ЕВРОПА ЧИРИШ КАСАЛЛИГИНИ И ТАШХИСИ, ПРОФИЛАКТИКАСИ, ДАВОЛАШИ

*Умаров Фаёзиддин, Ассистент.*


*Урмонов Абдурасулжон, Ассистент.*

*Вохидов Хабибулло, Ассистент.*

*Умирзаков Иззатилло, Ассистент*

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

**Аннотация:** Мазкур мақолада Андижон вилояти шароитида асаларичилик хўжаликларида кўп зарар етказадиган Европа чириш хавфли инфекцион касаллик тўғрисида, уни келиб чиқиши, тарқалиши ва уларга ташхис қўйиш, профилактика чораларини ўтказиш ҳамда даволашнинг самарали усуллари кенг баён этилган.



**Аннотация:** В данной статье подробно описан Европейский гнилец – опасное инфекционное заболевание, наносящее большой ущерб пчеловодческим хозяйствам в условиях Андижанской области, его происхождение, распространение, диагностика, меры профилактики и эффективные методы лечения.

**Калит сузи:** Европа чириш, стрептококки, капсула, спора, асалари, личинка, гумбаклар.

**Ключевые слова:** Европейский гнилец, стрептококки, капсула, палочка, споры, пчелы, личинки, грибы.

## DIAGNOSIS, PREVENTION, TREATMENT OF EUROPEAN ROT DISEASE OF BEES IN THE ANDIJAN REGION

*Umarov Fayoziddin, Assistant.*

*Urmonov Abdurasuljon, Assistant.*

*Vokhidov Khabibullo, Assistant.*

**Umirzakov Izzatillo, Assistant.**

**Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology**

**Annotation:** This article describes in detail European foulbrood, a dangerous infectious disease that causes great damage to beekeeping farms in the Andijan region, its origin, distribution, diagnostics, preventive measures and effective treatment methods.

**Key words:** European foulbrood, streptococci, capsule, bacillus, spores, bees, larvae, fungi.

**Европа чириш** касаллиги асалари оиласининг ўткир инфекцион касаллиги бўлиб, улар асосан 3-4 кунлик камдан-кам 5-6 кунлик ишчи асалари личинкаларини зарарлайди. Эркак асалари наслини камроқ зарарлайди. Касалликни келиб чиқишига ҳавонинг булутлиги, намлик бўлиши, арихонанинг совуқда қолиши, озиқанинг етарли бўлмаслиги ва шунга ўхшаш асалари оиласини кучсизлантирадиган омиллар сабаб бўлади. Республикамизнинг барча вилоятларида кенг тарқалган. Шунингдек, бу касаллик Андижон вилояти асаларизорларида 10,8 % ни ташкил этади.

**Касаллик қўзғатувчи.** Европа чириш касаллигини қўзғатувчиси стрептококкус плутон (*Streptococcus Pluton* бактериясидир. Улар биттадан жуфт ва занжирсимон шаклда. Плутон стрептококкисининг охириги учи ўткирлашган, унинг ҳажми 0,5дан 1,1 мкм гача. Споралар ҳосил қилмайди. Ўз атрофида капсулалар ҳосил қилади.

Плутон коккиси грамм мусбат бўлиб, анаэроб шароитида яхши ўсади. 35<sup>0</sup> ли ҳароратда унинг рН лик даражаси 6,6 кўрсаткични ташкил этади. Мустаҳкам муҳитда 24 соатдан сўнг, юмалоқ рангсиз 1-1,6 мкм диаметрли, тўдаларини ҳосил қилади. Фруктоза ва глюкозани парчалайди. Сахароза, лактоза, мальтоза, галактоза, раффиноза, крахмал ва глицеринларни парчалай олмайди. Плутон коккиси анилин бўёғида яхши бўялади.

Европа чириш касаллигини шунингдек, *Vac. Alvei* (Алвей бацилласи) ва *Str Apis* (Апис стрептококки) каби микроблар ҳам кўзгатади. Илгарилари бу ҳар иккала микробларни иккиламчи микоблар ҳисобланар эди. Ҳозир улар ҳам касаллик кўзгатувчи асосий восита эканлиги аниқланган.

Европа чириш касаллигини кўзгатувчилар, ўзининг ташқи муҳитга чидамлиги билан фарқ қилади. Ўлган асалари личинкасида, уй шароитида ўзининг ҳаётчанлигини 3 йилгача сақлайди. Ёз мавсумида бўш уяларда 50-55 кун, асалари ромларида 45 кун, ёпқич матога (холстик) ва иситиш ёстукчаларида 25 кун, асалда 15 кун, мупардаларида 65 кун, сувда 84 кун, гулчангда 1 йилгача сақланиб қолади. 60<sup>0</sup>ли иссиқ сувда 15 дақиқа, 2 %ли карбол кислотасида 6 соатда, 0,5%ли фармольдегид эритмасида 10 дақиқада, 2 % ли хиназол эритмасида, 15 дақиқада 10,3 % ли бир хлорли йод эритмасида, 20 дақиқада 0,5 %ли перманганат натрий эритмаларида эса 30 дақиқадан сўнг, касал кўзгатувчи бациллалар ҳалок бўлади.

Алвей бацилласи личинкалар ўлигида 20 йилгача ҳаётчанлигини сақлайди. Стрептококки апис эса мум, мумпардалари ва асалда 265 кунгача ҳаёт кечиради, 60-100<sup>0</sup>ли иссиқда касал кўзгатувчилар нобуд бўлади.

**Эпизоотик маълумотлар.** Касалланган асалари оиласи касалликни тарқатувчи асосий манбаа ҳисобланади. Оила ичида касалликни ёш асаларилар тарқатади. Улар ўлик личинкаларни уядан чиқариб ташлаётганда, инларини тозалаётганида, асалари оғизи ва бошқа аъзолари плютон микроби билан булғанади ва уни бутун арихона бўйлаб тарқатади. Шу даврда уядаги асал ва гулчангларни ҳам зарарлайди.

Уяда асалари личинкалари захарланган асал ва гулчанг билан озиқланади. Она асалари эса бу касалликни ўз наслига юқтиради. Касал оиладан соғлом оилага касаллик ўғри асаларилар адашган эркак асаларилар билан, умумий сув идишлари орқали ҳамда уяда асалари

ромларини алмаштириш вақтида ўтиши мумкин. Шунингдек, асаларизорда ветеринария-санитария қоидаларига риоя этмаслик, зарарланган асаларичилик асбобларидан ва коржомалардан фойдаланиш ҳам касаллик тарқалишига сабаб бўлади.

Европа чириш касаллиги асосан баҳорнинг охириги ойларида ва ёз фаслида, оилада энг кўп насл бўлган даврда пайдо бўлади. Шу даврда кўплаб личинкаларнинг зарарланиб ўлиши, асалари оиласига ишчи асалари сонини кескин камайишига, оилани кучсизланишига ҳамда маҳсулдорлигини камайишига олиб келади.

**Касалликнинг кечиши.** Асалари личинкалари дастлабки 3 кунгача, улар бактерицидлик хусусиятига эга бўлган, асалари сути билан озиқланганлиги сабабли улар касалланмайди. Фақатгина личинка озиқасига асал ва гулчанг аралашганидан сўнг, 4-5 кунлигидан бошлаб, улар касалланади. Касал қўзғатувчи микроб дастлаб личинканинг ўрта ичаги эпителиясида ривожланиб, кўпайганидан сўнг, улар гемолимфага ўтади ва бутун тана бўйлаб тарқалади, организмни бутунлай емиради. Касалликнинг бошланишида ромдаги катакчаларнинг иккала томонида касалланган личинкаларни учратиш мумкин. Агар асаларилар уяда ромларни ўраб олган бўлса, захарланган личинкаларни сезмай қолиши мумкин .

Шунинг учун асалари ромларини текширганда, личинкаларни яхшилаб кузатиш керак. Касаллик кучайиши билан касал личинкалар ромларда кўп миқдорда учрайди.

**Касаллик белгилари.** Европа чириш касаллигида личинка танасининг шакли, ранги ва консистенциясининг ўзгаришидан, уларнинг катакчада жойлашиш ҳолатидан ва зарарлангандан сўнг бошланади. Личинкалар зарарлангандан 2 кун ўтганидаёқ, сарғая бошлайди. Бу касаллик билан оғриган личинкалар шаффофлашади. Уларнинг ичаклари ва нафас олиш йўллари кўриниб туради. Ўлгандан сўнг, улар ҳалқа ёки

бурама шаклига киради. Эластиклигини йўқотиб, сарғаяди. Ундан сўнг қуриб, қўнғир ёки қорамтир тус олади, чунки уяда соғ личинкалардан ташқари касалланган, ўлган ва қуриб қолган жасадлар ҳам бўлади.

Европа чириш касаллиги билан касалланган личинкалар катакча тубида чириган массага ўхшаб қолади, унинг чўзилиши худди америка чириш касаллигига ўхшаб кетади. У кўп чўзилмайди, йўғон ип бўлиб, узилади. Ўлган личинканинг ҳиди эса худди ҳидланган гўштга, ачиган, олма ва сиркага ўхшаб кетади. Ўлган личинкалари ром катакчаларидан, унинг деворларига ёпишмасдан енгилгина олинади.

Бу касалликнинг яна бир характерли томони шундаки, ромдаги зарарланган очиқ ва ёпиқ насл катакчалари худди чамбараксимон шаклда бўлиб, бўш катакчалар сони эса кўпроқ бўлади.

**Касаллик ташхиси.** Касалланган оила эпизоотик маълумотларга, клиник белгиларга, яъни қанча очиқ насл зарарланганлиги, унинг ўзига хос ҳиди, чириган массани чўзилмаслиги ва катакча деворларига ёпишмаслиги билан аниқлаб олинади. Якуний ташхис эса албатта бактериологик текширув хулосаларига асосланади.

Асаларизорда чириш касаллиги билан касалланган асалари оиласи аниқланганда, дарҳол уни яккалаб қўйиш, барча асалари оилаларини синчиклаб текшириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, талаб қилинади. Касалланган асалари оиласидан патологик материаллар олиб, ветеринария лабораториясига текшириш учун жўнатилади.

**Профилактик чоралар.** Асаларизорда кучли, касалликларга чидамли, яхши зотли асалари оиласини боқишга асосланган. Асалари оиласини яхши серасал ўсимликлар ўсадиган жойларга кўчириш ва уяни ҳар доим иссиқ ҳолда сақлаш лозим. Бундан ташқари эскирган, камқуч, касал ва сифатсиз она асаларини сифатли зотлиларга алмаштириш ҳам яхши натижа беради. Шунингдек, доимий равишда асаларичилик асбобларини дезинфекциялаб туриш, эски ромларни мумга эритиш, уяни шамоллатиб

туриш ва асаларизорда асалари ўғрилигига йўл қўймаслик ҳам касалликка қарши курашда ижобий натижалар беради.

**Кураш чоралари.** Европа чириш касаллиги борлиги аниқлангандан кейин, касалланган асаларизор ва унинг атрофи 5 км доирагача бўлган худудга карантин эълон қилинади. Европа чириш касаллиги йўқ қилингандан сўнг, бир йил ўтгач асаларизор карантиндан чиқарилади. Касалликка қарши курашишда асосан ҳар хил дори дармонларни қўллаш билан бир вақтда, ўтказиладиган бир қатор ветеринария санитария қоидалари ҳам мавжуд. Бунинг учун айниқса, асалариларни бошқа арихоналарга ҳайдаш йўли билан кўчириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, касаллик белгилари кам бўлганида, асалари уясидан ромларни олиш, уяни қисқартириш ва иситиш лозим. Камкуч асалари оилаларини бирлаштириб, она асаларини алмаштириш лозим.

Касалланган асалари ромларини 2%ли водород пероксиди эритмаси ва 1%ли чумоли ёки сирка кислоталари эритмаси ҳамда 5%ли бир хлорли йодли эритмаси билан пуркаб, ишлов берилади. Асаларичилик асбоблари, коржомалар ва асаларизор худуди америка чириш касаллигига қарши курашгандек дезинфекция қилинади.

**Даволаш.** Бунинг учун худди америка чириш касаллигини даволашда тавсия этилган дори-дармонлар ишлатилади. Даволаш шарбатлари ҳар бир асалари йўлакчасига 100-150 мл ҳисобида, 3 мартаба, 5-7 кун давомида (тузалгунича) берилади. Микроорганизмларнинг бундай дориларга ўрганиб қолмаслиги учун, уларни башқа хилига тез-тез алмаштириб туриш зарур. Шарбатларга дори миқдорини оширмаслик керак, акс ҳолда, улар асалари организмига салбий таъсир этиши мумкин.

Махсус йўриқномага асосан, касалланган асалари оиласини даволаш учун даволаш шарбатларига қуйидаги дориларни бирини қўшиш мумкин: Норсульфазол натрий -1,0-2,0, сульфантрол -2,0, сульцимид -2,0, биомицин -500 минг БР, неомицин, тетрациклин, эритромицин,

окситетрациклин, мономицинларнинг –400 минг БР, стрептомицин –500 минг БРдаги дорилари яхши фойда беради. Даволаш даврида санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб қилинади.

**Хулоса.** Европа чириш касаллиги асосан баҳорнинг охири ойларида ва ёз фаслида, оилада энг кўп насл бўлган даврда пайдо бўлади. Шу даврда кўплаб личинкаларнинг зарарланиб ўлиши, асалари оиласига ишчи асалари сонини кескин камайишига, оилани кучсизланишига ҳамда маҳсулдорлигини камайишига олиб келади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Базаров М.А. “АСАЛАРИЧИЛИК” фанидан ўқув қўлланма «Classic» нашриёти 2023йил.

2. Базаров М.А. «Ўзбекистон Республикасида асалари зараркунандалари ва уларга интеграция усилида қарши кураш чоралари» Монография ISBN 978-9910-763-55-7, «Classic» нашриёти 2023йил.

3. Базаров М.А. «Андижон вилоятида асалари касалликлари, ташхис, профилактика, даволаш» Монография ISBN 978-9910-783-68-5 «Classic» 2024.

4. Базаров М.А. «Эпизоотология ва инфекцион касалликлар» фанидан ДАРСЛИК №55013 «Classic» 2024.

5. M.I. Urinova, M.A. Bazarov «Medicinal efficacy of "pchelka" biostimulant» SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 3 ISSUE 2 FEBRUARY 2024

6. M.I. Urinova, M.A. Bazarov «Diagnoses, prevention, and treatment of rotting disease and ascospores infectious of honeybees in andijan region» SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 3 ISSUE 2 FEBRUARY 2024

7. M.I. Urinova, M.A. Bazarov «Clinical manifestations of ascospores in Fergana valley depending on the system and method of

maintenance» SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 3 ISSUE 2 FEBRUARY 2024

8. M.I. Urinova, M.A. Bazarov «Microbiological characteristics of  
Ascosphaera apis» SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 3 ISSUE 2 FEBRUARY 2024

9. Махмудова К.И., Базаров М.А. «Андижон вилоятида  
асаларининг варроатоз касаллигини ташхиси, профилактикаси, даволаши»  
SCIENCE AND EDUCATION IN AGRICULTURE May 2024. Volume 5,  
Issue 5.